

## ХАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ № /

« 9 » 12 2022 йил

Фарғона ш.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилувчи **Фарғона вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси** номидан бошқарма Устави асосида иш юритувчи бошқарма бошлиғи О.Назиров биринчи томондан ва иккинчи томондан «Пудратчи» деб юритилувчи **Фуркат ТЎФУК** номидан корхона Устави асосида иш юритувчи корхона М.Исомиддинов Фарғона вилоятида 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида Томоша МФЙ худудидан ўтган 4Н-882 В “Курултой кишлоғига (8 км)” автомобиль йўлининг 3 км қисмини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича пудрат шартномасини туздик.

### I. Умумий бўлим.

Пудратчининг мазкур шартнома шартлари асосида жорий таъмирлаш ишлари узунлиги – 3 км.

### II. ШАРТНОМА МАКСАДИ.

2.1 «Буюртмачи» **Фарғона вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси** пудратчи **Фуркат ТЎФУ** корхонасига Фарғона вилоятида 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида Томоша МФЙ худудидан ўтган 4Н-882 В “Курултой кишлоғига (8 км)” автомобиль йўлининг 3 км қисмини жорий таъмирлаш амалга оширишни топширади. «Пудратчи» эса корхона Уставида унга берилган ваколатлар доирасида мазкур шартнома мажбуриятларини бажаришни ўз зиммасига олади ва йўл хизматининг Автомобиль йўллари Қўмитаси олдидаги мажбуриятлари тўғрисидаги ижро ҳужжатларига қатъий риоя қилади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ ВА МУДДАТИ.

3.1 Шартнома баҳоси 2022 йил учун тасдиқланган йўл ишлари танлов натижасига кўра **1 155 198 012** (Бир миллиард бир юз эллик беш миллион бир юз тўқсон саккиз минг ўн икки) сўм ҳажминини ташкил этади.

3.2 Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати 31 декабрь 2022 йилгача.

### IV. ПУДРАТЧИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1 Пудратчи Жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириши давомида транспорт воситаларини хавф-хатарсиз ҳаракатланиши узлуксизлигини таъминлаш;

Бириктирилган автомобил йўллари тармоғини сақлаш хизматини доимий равишда узлуксиз иш ҳафтаси асосида ташкил этиш, ҳар кунги қатновни, йилнинг ҳар қандай фаслида транспорт воситалари ҳаракат хавфсизлигини тўлиқ таъминлаш;

Автомобил йўлларининг барча қисмида қатнов ҳолатини доимий сақлаш учун комплекс ишларини тез ва сифатли бажариш.

Табиий офат, авария ва бошқа фавқулотда ҳоллар юз берганда йўллардаги транспорт ҳаракати вақтинча тўхтаганда, тезда уни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

Бириктирилган автомобил йўллар тармоғи ва ундаги сунъий иншоотларда (тоннел) доимий равишда назорат олиб бориш, йўл тармоғи тўғрисидаги йиғиладиган барча маълумотлар захирасини яратиш;

Бириктирилган автомобил йўлларида кундалик кўрикни ташкил этиш, кўрик журналларида аниқланган нуқсонларни ёзиб бориш ва доимий равишда ҳаракат қатнови жадаллигини ҳисоблаб бориш;

Йўлларни жорий таъмирлаш ишларини эстетик ва экологик меъёрларга қатъий амал қилган ҳолда бажариш;

Бириктирилган автомобил йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг истиқбол концепциясини ишлаб чиқиш;

Автомобил йўлларини сақлаш ва таъмирлашда маблағ воситаларини ишлатилишини доимий таҳлилини амалга ошириб бориш;

4.2 Пудратчи автомобиль йўлларида тасдиқланган смета ҳужжатлари асосида жорий таъмирлаш ишларини сифатли қилиб бажариб, «Буюртмачига»га белгиланган тартибда тегишли ҳужжатлар асосида топширади;

4.3 Бириктирилган автомобил йўлларида бажарилган жорий таъмирлаш ишларига лойиха смета ҳужжатларига асосан йўналтирилган маблағларни мақсадли сарфланишига жавобгардир.

4.4 Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузишни «Буюртмачи» нинг ёзма равишда руҳсати билан амалга оширади.

4.5 Жорий таъмирлаш ишларини бажариш даврида техника хавфсизлиги, атроф мухитни, йўл минтақасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш;

4.6 Ўзига бириктирилган умумфойдаланувдаги автомобил йўлларида ва ундаги сунъий иншоотларда унинг айби билан бажарилиши лозим бўлган ишлар бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги натижасида келиб чиққан оқибатлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

## **V. БУЮРТМАЧИНING ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ .**

5.1 «Буюртмачи» шартномада кўрсатилган ишлар бажарилиши устидан қурилиш меъёрлари ва қоидалари асосида доимий назоратни, мазкур шартномада кайд этилган «Пудратчи» томонидан умумфойдаланувдаги автомобил йўлларини жорий таъмирлаш бўйича мажбуриятларни назорат қилиш ва пудратчидан бажарилган ишларни белгиланган муддатда қабул қилишни таъминлаш;

5.2 «Пудратчи» нинг барча муурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

5.3 Тасдиқланган смета харажатларига биноан «Пудратчи»га Молия вазирлиги маблағ ажратгандан сўнг аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

5.4 Жорий таъмирлаш ишларини сифатли бажарилишини ва бажарилган ишларни қабул қилиб олиш учун ўз вақилини яъни техник назоратчисини белгиланган ишларни қабул қилиш муддатларида қатнашишини таъминлаш;

5.5 Автомобил йўлларини тасдиқланган лойиха-смета хужжатларига асосан жорий таъмирлаш ишларига йўналтирилган маблағларни сарфланишини қатъий назорат қилиш.

## **VI. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР.**

6.1 «Буюртмачи» «Пудратчи»га шартнома бўйича умумфойдаланувдаги автомобил йўлларини жорий таъмирлаш ишларини молиялаштириш режалаштирилган чораклик хажмининг 30% миқдоридан аванс маблағи билан (Фарғона вилояти Молия бош бошқармаси томонидан аванс маблағи ажратилгандан сўнг Вилоят газначилиги орқали) таъминлайди.

6.2 Жорий молиялаштириш, бажарилган ишлар сифати текширилгандан сўнг, тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида ажратилган аванс тўловлари ҳар ойда чегириб ташланган ҳолда амалда бажарилган ишлар молиялаштирилади. Бунда «Буюртмачи» ва «Пудратчи» ўртасидаги узил-кесил хисоб-китоб қилиш «Буюртмачи» томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

6.3 «Буюртмачи» мазкур шартнома бўйича ўз зиммасидаги мажбуриятларини бажармаса, шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида «Пудратчи» бу ҳақида қонун хужжатларида белгиланган тартибда «Буюртмачи»ни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда «Буюртмачи» «Пудратчи» томонидан бажарилган ишларни тегишли тартибда расмийлаштирган бўлса, бажарилган иш учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

6.4 «Пудратчи» мазкур шартнома бўйича ўз зиммасидаги мажбуриятларини бажармаса, шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида «Буюртмачи» бу ҳақида қонун хужжатларида белгиланган тартибда «Пудратчи»ни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда бажарилган иш учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

6.5 Томонларнинг бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда айбдор томонга Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни 25-32 моддаларида назарда тутилган жарима санкциялари қўлланилади.

## **VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.**

7.1 «Буюртмачи» жорий таъмирлаш ишларини сифатли қилиб бажарилиши ва бажарилган ишларини қабул қилиб олиш учун ўз вақилини – техник назоратчини буйруқ асосида тайинлайди, у «Буюртмачи» номидан бажарилаётган ишлар сифати устида техник назоратни амалга оширади, шунингдек, «Пудратчи» томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб–ускуналарнинг шартнома шартига ва меъёрий хужжатларига мувофиқлигини текширади.

7.2 Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўлиқ танишиш ҳуқуқига эгадир.

7.3 «Пудратчи» техник назоратчини бажарилган ишларини қабул қилиб олиш учун иш жойига бориши ва келиши учун транспорт воситаси билан таъминлайди. Техник назоратчи «Пудратчи»

ТОМОНИДАН автомобил йўллари ҳолати бўйича ишларни амалга ошириш жараёнида пайдо бўладиган масалаларни ҳал қилиш учун техник кенгашига таклиф киритади, йиғинларда мунтазам қатнашади.

7.4 “Пудратчи” мазкур шартноманинг 4-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режа ҳамда жадвалига биноан ишларини бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.5 “Пудратчи” объектда ишларни олиб бориш даврида давлат архитектура ва қурилиш назорати органлари томонидан белгиланган чоралар тўғрисида “Буюртмачи”га маълумот беради ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

7.6 “Пудратчи” алоҳида маъсулиятли конструкциялар ва ёпилиб кетадиган ишлар тугалланишига қараб уларни тугалланишидан олдин “Буюртмачи” ни ёзма равишда хабардор қилади.

7.7 Агар ёпилиб кетадиган ишлар “Буюртмачи”нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда “Пудратчи” “Буюртмачи”нинг кўрсатмасига мувофиқ ёпилиб кетадиган ишларни исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

7.8 Агар “Буюртмачи” томонидан “Пудратчи” ва унинг суб пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқланса, у ҳолда “Пудратчи” ўз кучлари билан таъмирлаш ишлари қийматини оширмаган ҳолда ушбу ишларни таъмирлаш учун келишилган муддатда сифатли қилиб қайта бажаришга мажбурдир.

7.9 Ишлар бошланган пайтдан улар тугаллангунга қадар “Пудратчи” ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, “Буюртмачи” ва “Пудратчи”нинг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар акс эттирилади.

7.10 Агар “Буюртмачи” ишларни бориши ва сифатидан ёки “Пудратчи”нинг қайдларидан қониқмаса у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

7.11 Сифатсиз бажарилган иш хажми “Пудратчи”нинг ҳисобидан қопланади ва аниқланган зарар “Пудратчи”дан ундирилади.

#### **VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧЛАР (ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР) .**

8.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари, бошқа енгиб бўлмайдиган кучлар натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса (форс-мажор) томонлар бундан қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.2 Агар енгиб бўлмайдиган кучлар ёки унинг оқибатлари бир ойдан кўп вақт чўзилса у ҳолда “Пудратчи” ва “Буюртмачи” ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

8.3 Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **IX. ШАРТНОМА БЕКОР ҚИЛИШ .**

9.1 “Буюртмачи”

А) Ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати “Пудратчи”нинг айби билан узлуксизлиги таъминланмаганда, “Пудратчи” томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

9.2 “Пудратчи”

А) Ишларни бажарилиши “Пудратчи”га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра “Буюртмачи” томонидан сабабсиз тўхтатиб қўйилганда;

Б) “Буюртмачи” томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда.

Шартнома бекор қилинганда “Буюртмачи” ва “Пудратчи”нинг қўшма қарорига кўра тугалланмаган ишлар бир ой муддатда иккинчи “Қорхона”га берилади . “Буюртмачи” бажарилган ишлар қийматини “Пудратчи”га шартноманинг 5.1 бандига асосан расмийлаштирилган ҳолда тўлаш мажбуриятини олади.

## Х. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ .

10.1 Шартномани бажаришда, уни ўзгартиришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалалар томонларнинг ўзаро келишувлари асосида хал этилади, агар бундай келишувнинг имкони бўлмаса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва уларга мувофиқ равишда қабул қилинган норматив актлар асосида судга муурожаат қилиш йўли билан хал қилинади.

## ХІ. АЛОХИДА ШАРТЛАР .

11.1 Ушбу шартнома имзолангандан сўнг мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасида олдинги ёзма битимлар, оғзаки битимлар, ёзишмалар ва томонларнинг келишувлари ўз кучини йўқотади.

11.2 “Пудратчи” умумфойдаланувдаги автомобил йўллари ва ундаги сунъий иншоотларда, йўл бўлакларида ҳамда алохида қисмларига тегишли иш хужжатларини “Буюртмачи”нинг ёзма рухсатисиз суб пудратчилардан ташқари бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

11.3 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳолатлар амалдаги қонун хужжатлари асосида хал қилинади.

11.4 Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

11.5 Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ёки фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан Фарғона вилояти Молия бош бошқармаси томонидан молиялаштиришга ўзгартиришлар киритилганда ёки нарх-наво оширилган тақдирда, шартноманинг шартларига тегишли ўзгартиришлар киритиш Фарғона вилояти Молия бош бошқармаси томонидан тасдиқлангандан сўнг қўшимча шартнома тузиш йўли билан амалга оширилади.

11.6 Ушбу шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Ҳазначилик бошқармасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга қиради.

## ХІІ. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

### «ПУДРАТЧИ»

#### Фуркат ТЙФУК

Манзил: Навбахор шаҳарчаси 6-уй  
Тел./факс: 73-549-13-66  
шҒХ: 470010860302387045193118001  
Ташкилотнинг СТИРи: 200201274  
Фуркат туман ғазначилик бошқармаси  
ЯҒХ: 23402000300100001010  
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХККМ  
МФО: 00014  
Ҳазначилик бўлинмасининг  
СТИРи: 201122919

### «БУЮРТМАЧИ»

#### Фарғона вилояти Автомобиль йўллари бош бошқармаси

Манзил: Фарғона шаҳар  
Аэропорт кўчаси 1- уй  
Тел./факс: 226-39-46; 226-36-55.  
шҒХ: 301821860304017045203118399  
Ташкилотнинг СТИРи: 200153714  
ОКЭД: 84130  
Фарғона вилоят ғазначилик бошқармаси  
ЯҒХ: 23402000300100001010  
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХККМ  
МФО: 00014  
Ҳазначилик бўлинмасининг  
СТИРи: 201122919  
Бошқарма бошлиғи: О.Назиров

Директор:  М.Исомиддинов

Хуқуқий ҳужжат

Мен, «ушбу шартномани ҳуқуқий экспертизадан ўтказдим. Мазкур шартномада курсатилган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Хужжалик юридувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий –ҳуқуқий базаси туғрисида»ги Қонунга ва фуқоралик кодекси билан тартибга солинади ҳамда шартномада назарда тутилган тарафларнинг жавобгарлигини ва низоларни хал этиш юқорида зикр этилган қонунчилик талабларига мос қелади.

Хуқуқшунос  А.Солиев